Мақсуд Шайхзоданинг навоийшуносликка оид қўлёзмалари таҳлили (Шайхзода қўлёзмалари асосида)

Жавлон ЖОВЛИЕВ
таянч докторант
Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий
номидаги Давлат адабиёт музейи
Тошкент, Ўзбекистон
moniy-javlon@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада атоқли олим ва шоир, драматург Мақсуд Шайхзоданинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи "Ўзбекистон ёзувчилари архиви" фондида сақланаётган мумтоз адабиётимизга оид тадқиқотлари, хусусан, Алишер Навоий ижоди борасида олиб борган илмий ишлари, мақолалари, кундалик-дафтарларда қолган фикрлари ҳақида гап боради.

Таянч сўзлар: Мақсуд Шайхзода, архив, қўлёзма, матн, аслият, адабиётшунослик, манба, навоийшунослик.

Анализ рукописей Максуда Шейхзаде, относящихся к навоиведению (на основе рукописей Шейхзаде)

Жавлон ЖОВЛИЕВ
базовый докторант
Государственный музей литературы имени
Алишера Навои Академии наук Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
moniy-javlon@mail.ru

Аннотация

В данной статье идёт речь об исследованиях, относящихся к нашей классической литературе, хранящихся в фонде "Архив писателей Узбекистана" Государственного музея литературы имени Алишера Навои Академии наук Узбекистана, принадлежающих прославленному учёному и поэту, драматургу Максуду Шайхзаде.

Ключевые слова: Максуд Шайхзаде, архив, рукопись, текст, подлинник, литературоведение, источник, навоиведение.

Шайхзода кучли шоир, драматург, таржимон, педагог бўлиши билан биргаликда адабиётнинг кучу салмоғини тўғри баҳолай биладиган адабиётшунос эди. У ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг бир қатор сиймолари, хусусан, Низомий, Навоий, Бобур, Фузулий, Махтумқули, Огаҳий, Амирий, Нодирабегим, Завқий, Фурқат, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шуҳрат, Зулфия ва бошқа кўплаб ижодкорлар ҳақида ёзган

илмий мақола ва чиқишлари буни исботлайди. Шубҳасиз, Шайхзода адабиётшунослигида Навоий алоҳида ўринга эга. Almaz Ülvi Binnətova томонидан 2019 йил Бокуда нашр этилган “İki xalq oğlu Maqsud Şeyxzadə” мақолалар тўпламида адабиётшунос Абдулла Улуғ ўзининг “Навоийшунослигимиз алломаси ёхуд Шайхзода-адабиётшунос” мақоласида қуйидагича таъкидлайди: “Мақсуд Шайхзоданинг адабиётшуносликка оид тадқиқотлари марказида Алишер Навоий ижоди туради” [6; 228].

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фонди бой ва қимматли қўлёзмалар, ҳужжатлар, фотолар, китоблардан иборат хазинадир. Булар ичида Шайхзоданинг мумтоз адабиётимиз йўлида олиб борган тадқиқотлари, илмий қарашлари акс этган қўлёзма ва ҳужжатлар алоҳида ўрин касб этади.

Шайхзода Тошкентга келиши ва бу ернинг “об-ҳавоси”га мослашишида мумтоз адабиётимиз, хусусан, Навоий ижоди билан яхши танишлиги катта ўрин тутади. У тобора мустамлака кучлар томонидан сиқувга учраётган, ўзининг олтин тилсимларини, асрий ўзлик ва ўзига хослигига путур етаётган озар тили ва имлосининг ҳимояси йўлида ёзган мақолалари ва руслар томонидан “миллатчи” дея баҳо олган шахсларга алоқадорликда айбланиб уч йиллик сургунни қисматига юкларкан, Тошкент – Навоий ватанига келаётганини яхши биларди. Шунинг учун у ижод билан бирга қизғин равишда Навоий ижодини ҳам ўрганади ва биринчилардан бўлиб рисола ёзади.

Давлат адабиёт музейида сақланаётган қўлёзмаларини илмий-таҳлилий ўрганар эканмиз, Навоий ижодини ўрганиш Шайхзоданинг муҳим бурчларидан бўлганини, ўз олдига катта мақсадлар қўйганини кўриш мумкин. Шайхзодани Тошкентда адабиёт мўъжизаси тутиб қолди, дея айтишга журъат қиламиз. Кейинчалик шоир ёзади: “Мумтоз ўзбек шеъриятининг ички маънавий дунёси мени кўп йиллардан бери қизиқтириб

келади. Башар зеҳнининг сўнмас дурдоналари бўлмиш ғазаллар ва рубоийларда, қасидаларда ва соқийномаларда оловли эҳтиролар билан бирга вазмин фикрларнинг омихта бўлиб кетиши санъаткордан чинакам истеъдод билан зўр малака ва пухталикни тақозо қилар эди” [1; 5].

Шайхзода ўзбек халқининг шоири, драматурги, олими, таржимони ва албатта, навоийшуноси бўлиб танилди ва ўзидан катта мерос қолдирди. У ёзади: “Ўрта Осиё заминида адабиёт назариясининг турли тармоқлари билан шуғулланган олим ва шоирлардан Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқус сеҳр” (Сеҳрли боғчалар) асари (XII аср) Шамс Қайси Роҳийнинг аруз, қофия ва илм бадеъга оид “Алмўъжам...” асари (XIII аср) араб тилида ёзилган “Мифтоҳул илм” (Билим калити) асар маънолари ва баёни фанига оид бўлиб, то XX асрнинг бошларигача мадрасаларда дарслик қаторида ўқитилиб келган. Амир Темурнинг замондоши Аламон Тафтазонийнинг Самарқандда ёзилган “Мутаввал” номли машҳур асари шеърда бадиийлик масалаларига бағишланган” [2;5]. Бу фикрлардан ҳам билсак бўладики, у жуда оз йилларда ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан ва илмидан юқори даражада хабардор бўлган. У мумтоз санъатимиздаги илмларни ҳам қуйидагича санайди: “Шундай қилиб, шарқ классик поэзиясининг ижодий ва амалий фаолиятига кўрсатма ва дастуриламал бўладиган илмлар пайдо бўлганки, буларни “Илми баён”, “Илми бадеъ”, “Илми аруз” ва “Илми қофия” деб атаганлар”.

Шайхзода қўлёзмалари шоир вафотидан беш йил ўтиб 1972 йилда умр йўлдоши Сокина хонимдан атоқли олим Ҳамид Сулаймон томонидан қабул қилинган. Эски ўзбек, лотин ва крелл ёзувларида ўзбек, рус, озар тилидаги қўлёзмалари билан танишар эканмиз Шайхзода ижод кўламининг янги қирраларини очиб борамиз. Жами 831 та ҳужжат билан рақамланган (*Тартиб рақами ҳужжатнинг инвентарь рақамини ҳам кўрсатади. Таъкид муаллифдан.*) қўлёзма манбаларда Шайхзоданинг шеърлари, драмалари, ёзишмалари, публицистика ва илмий ишлари жамлаган. Шайхзода Навоийга айрича меҳр қўяди ва уни “Ғазал мулкининг султони” , “Ўзбек шеъриятининг улуғ пири” дея муҳаббат кўрсатади ва бу атамалардан ҳозиргача бутун

миллат кенг фойдаланади. Айниқса, Алишер Навоийнинг илмий салоҳияти, ижодкор сифатидаги закийлиги Шайхзодани унга янада яқинлаштирган ва “ҳамсуҳбат” қилган: “Алишер Навоий ўз замонасининг энг ориф ва донишманд кишиси бўлганлиги учун, албатта, бу асарлардан хабардор бўлган ва ўзи ҳам шеъриятнинг назарияси, адабиёт, тарих, турк-ўзбек шеъриятидаги вазнлар ва айрим шоирларнинг адабий салмоғи билан бевосита шуғулланиб турганки, “Мезонул авзон”, “Мажолисун нафоис”, “Муншоот”, “Муҳокаматул луғатайн” ҳамда “Чор девон”ига кирган иккита “Дебоча”си бу фикримизнинг яққол далили бўла олур. Навоий даврида ҳам бу масалалар адабиётчилар эътиборини ўзига тортганига порлоқ мисол қилиб, шоир Сайфи Бухорийнинг ва буюк адиб Абдураҳмон Жомийнинг Алишер Навоий илтимосига кўра аруз ва қофия ҳақида рисола ёзганларини кўрсатиш мумкин”.

Мақсуд Шайхзоданинг навоийшуносликка оид қўлёзмалари унинг архивида алоҳида ўринга эга. Алломанинг Алишер Навоий ҳақидаги илмий мақолаларининг ўзбек ва рус тилида қоғозга тушганлари 20 дан ортиқ. Уларда Алишер Навоий 500 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган мақола, «Устоднинг ижодхонасида...» [3; 7], «Тирик Алишер» [4; 447], «Алишер Навоийнинг шоирлик маҳорати», Шайхзоданинг Навоий лирикасидаги шеърий санъатни тадқиқ қилишга бағишланган мақоласидан парчалар, «Алишер Навоий лирикасининг асосий масалалари», «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» каби илмий мақолалар ўрин олган. Бундан ташқари музей таснифчилари томонидан (профессор С.Ҳасанов, Д.Шарафиддинова) Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий ижоди бўйича тўплаган материаллари алоҳида тартибланган (480-503). Уларда олимнинг Навоий ижоди ва ҳаёти юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича йиғилган материаллар жамланган.

Шайхзоданинг Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан “Гениал шоир” китоби 1941 йилда “Ўзадабийнашр” томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. У ёзади: “Навоий ижоди шу қадар кенг ва мураккабдирки, у

тўғрида муфассал ва мукаммал монография яратиш шу қўлингиздаги китобча типидаги китобчаларнинг доира ва имкониятидан ташқари чиқади”. 1948 йилда эса «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва уни очилиш приёмлари ҳақида» «Ғаройиб ус-сиғар» асосида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва бунинг учун қанча кўп илмий изланишлар олиб борганлигини у йиққан ва бугун архивда сақланаётган 100 дан ортиқ ҳужжатлар гувоҳликка ўтади. Бу диссертация 482-тартиб рақамда 85 варақлик машинкада, автор тузатишлари билан сақланади. Бу иш ҳақида 1948 йилда 9 октябрда Абдураҳмон Саъдийнинг рус тилидаги тақризи, “Совет педагоги” журналида босилган “Ўртоқ Шайхзода Мақсуднинг «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва унинг очилиш приёмлари ҳақидаги диссертациясига оид баъзи мулоҳазалар” мақоласи сақланади.

Шайхзода ўз ишининг долзарблиги борасида фикр билдириб шундай дейди: **“**Буюк Алишернинг адабий меросида икки шоҳ асар, икки монументал обида бордирки, буларнинг биринчиси шарқ ёзув эпосининг беш чўққиси – “Хамса” бўлса, иккинчиси шарқ лирик даҳосининг тўрт юлдузи – Чор девондир. Агар “Хамса” ҳақида озми-кўпми илмий ва ярим публицистик, ярим оммабоп мақолалар нашр этилган бўлса, “Чор девон” ҳақида ва умуман Навоийнинг лирикаси ҳақида бир нечта кичик мақоладан ташқари бошқа ҳеч нарса учратганимиз йўқ. Ҳолбуки, Навоийнинг буюк ижодини тадқиқ қилиш вазифасининг кардинал вазифаларидан бири, унинг лирик меросини эгаллаш масаласидир. Чунки Навоий лирик шоир сифатида ҳам жаҳон адабиётининг энг ҳассос ва ҳушсадо нағмасозларидандир...”

Шайхзода 1940 йилдан бошлаб Навоий ижоди бўйича нималарни тадқиқ қилган ёки не бир янгиликни излаб топган бўлса қатор дафтарларда ёзиб қолдирган, бугунги кунда Шайхзоданинг тадқиқот дафтарларида, блокнот, конспектлари (тартиб рақами 480, 481, 484, 485) сақланиб қолинган. Унда асосан араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви ва рус ёзувларидан фойдаланган.

Шайхзода номзодлик ишидан сўнг ижодий ишлар билан бирга докторлик ишига ҳам киришади. Унинг архивида 484-тартиб рақамда 1951 йилда ёзилган докторлик диссертациясини ёзиш учун тутилган блокнот сақланади. Фақат 7 варағига ёзилган, қолган бетлари бўш. Шайхзода докторлик диссертацияси режаси юзасидаги собиқ СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бертельс томонидан 1952 йил 12 августда ёзилган хат қўлёзма ҳолда сақланади. Хатда Шайхзоданинг иши қўллаб-қувватланади.

Аммо Мақсуд Шайхзода совет мустамлакачилари ҳамда айрим миллий хоинларнинг асоссиз айбловлари билан 25 йиллик қамоққа ҳибс қилиниб, сургун қилинади. Бу Шайхзода режалари ва руҳиятини остин-устин қилиб юборади. Катта синишлар, қалб ва танада тузатиб бўлмас ўйиқлар ҳосил қилади. Гарчи уч йил ўтиб, кўпгина шахсга сиғинишнинг қурбонлари каби ортга қайтарилган бўлса-да, 25 йиллик муддатнинг руҳий босимини ҳис қилиб уч йил азоб чекишнинг ўзи ҳам даҳшат эди.

Шайхзода озод бўлиб қайтгач турли сиёсий тазйиқлар ва ўзидан қўрқиб узоқлашиб қолган давраларга эмас, ижод ва илмга кўпроқ интилади ва Навоий ижоди бўйича бошлаган докторлик ишини тугатишни истайди. Бугунги кунда архивида сақланаётган 1956 йил 25 декабр куни «Навоий лирикасининг ғоявий ва бадиий-поэтик хусусиятлари» мавзуида докторлик диссертацияси планини тузиб олади [5; 425].

«Алишер Навоий лирикасининг асосий масалалари», «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» илмий мақолалар ёзади. Булар Шайхзода докторлик диссертациясининг моҳиятини ёритувчи илмий мақолалар ҳисобланарди.

У ўз илмий ишида Алишер Навоийнинг бадиий санъаткорлигини очиб беришни катта мақсад қилган ва Навоийнинг лирик мероси, Навоий лирикасининг асосий жанрлари, турлари, кўринишлари, Навоий лирикасининг образлари, Навоий лирикасининг бадиий методи, Навоий

лирикасида классик поэтика усулларининг татбиқи, Навоий лирикасининг ғоявий мазмуни каби бўлимларга бўлиб ўрганишни мақсад қилади.

Шундан сўнг Шайхзода қизғин ижодий ишларга ҳам берилади, ўша йиллар шоҳ асарларидан бири “Мирзо Улуғбек” трагедиясини яратади, сал ўтмай сценарий варианти ҳам ёзилади. Бундан ташқари шоирни янада эъзоз этган достон “Тошкентнома” ёзилади. Бу ишлар шоирнинг илмий ишлардан бироз чекланишга сабаб бўлади.

Шунга қарамай дил тубида доктор бўлиши орзусини доим сақланиб қолган бу йўлда тинмай иш олиб борган ва бу йўлда ёзилган ҳозирги кунчага сақланадиган 8 дафтарга (486-494) битилган. Бу дафтарларда араб графикасидаги эски ўзбек ёзувида ёзилган, турли адабиётлардан олинган кўчирмалар, ўз фикрлари билдирилган. Уларга “Ўзбекистон Компартияси тарихи институтининг кутубхонасида фойдаланилган китоблар конспектининг давоми”, “Бутуниттифоқ В.И.Ленин номидаги кутубхонасида фойдаланилган китоблар конспекти” дея ёзиб қўйилган. Булардан билсак бўладики, тадқиқот ишига катта ва қизғин ижодкорлик билан киришилган.

Шайхзоданинг илмий фаолияти ҳақида ўша йиллар қатор мақолалар эълон қилинган. Атоқли олима Суюма Ғаниеванинг Шайхзоданинг Навоий лирикаси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлари хусусидаги «Навоийшунослик равнақи» мақоласи «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1966 йил 9 февраль сонида чоп этилган. Мақсуд Шайхзода ҳаёти, адабий, илмий фаолияти ҳақида мақола Тўхтасин Жалолий томонидан ёзилган, нашриётга машинкада топширилган нусха. Ҳозирги ўзбек ёзувида 22 варақдан иборат.

Шайхзоданинг навоийшунослардан фарқи у озарбайжон навоийшуносларининг илмий тадқиқотларини ҳам ўрганади ва қатор манбаларни ишига киритди. Бундан ташқари, Бокуда сақланаётган китоблардан ҳам доим фойдаланиб келган. Шайхзода, жумладан,

Низомийнинг «Хусрав и Ширин» (*Форс-тожик тилидан рус тилига Г.В.Птицина таржимаси. Таржима редактори проф. Е.Э.Бертельс. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти томонидан тайёрланган*) асари нусхасини (*шундан 20 вараги форс-тожик тилида*) намуна сифатида илова қилган.

Алломанинг шогирди Юсуф Шомансур шундай таъкидлайди: “Изланувчан шоир Шайхзода адабиётшунослик қаламини қўлга олар экан, ўз шеърияти учун бошқа ижодкорларнинг аслаҳахоналаридан керакли қуроллар топиб, уларни ўз услуби ва ўз идеалига мослаштириб истеъмол эта бошлади. Натижа, йиллар ўтган сари ижодий камолотга эришди...” (“Маяковский шогирди”). Навоийнинг адабиёт назарияси ва танқидий ишлари ҳақида ҳам фикр билдириб, жумладан, шундай деган эди: “Навоийнинг қанчалик ҳассос танқидчи ва эстетика олими бўлгани кўринади”.

Шайхзода доим Навоийни эъзоз этган, унинг ҳимояси учун қурашган: “Навоийни ўзбек халқидан ажратишга, унинг сиймосини бузишга интилишлари бефойда, улуғ ўзбек шоирини унинг халқидан айириб бўлмайди. Навоий ғазалларининг беш асрдан бери унутилмай халқ оғзида куйланиб келиши энг буюк танқидчи бўлган халқнинг ўз адибига берган юксак баҳоси эмасми?”

Аммо вақт ва фурсат, қаттол замон ўйинлари илмий ишининг уч мартадан ортиқ тўсиққа учраши, тўхтаб қолиши, турли тадбирларнинг ҳаётга суқилиб кириши натижасида Шайхзоданинг илмий иши якунланмади. Аммо у Улуғ Навоийга чин издош, академик олим сифатида эъзозу шарафга лойиқдир! Бунга унинг сақланиб қолган нодир қўлёзмаларидаги ёзувлар асосдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шайхзода, Мақсуд. Танланган асарлар. V том. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1973. – 502 б.

2. Шайхзода, Мақсуд. //Совет Ўзбекистони, 1965 йил, 7 март.

3. Шайхзода, Мақсуд. «Испытанное в веках», мақола. Алишер Навоий 500 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган. Охирги варақнинг орқа бетида шу мавзуда Мақсуд Шайхзода доклад қилганлиги ҳақида қайд бор. Рус тилида. 1 ҳуж., 5 в./ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Адабиёт музейи, “Ўзбекистон Ёзувчилари архиви” , тартиб рақами – 445.

4. Шайхзода, Мақсуд. Устоднинг ижодхонасида..., мақола. Оттиска. Навоий ижоди бўйича илмий изланишлар. «Шарқ юлдузи» журнали, 1966 йил, 7-сон. Ҳозирги ўзбек ёзувида, 1 ҳуж., 16 в, тартиб рақами – 446.

5. Шайхзода, Мақсуд. «Тирик Алишер», мақола. Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган. Автограф. Й. й. Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида. 1 ҳуж., 21 в. тартиб рақами – 452.

6. “İki xalq oğlu Maqsud Şeyxzadə”. Anadan olmasinin 110 illiyi münasibətilə məruzələr və fotolar. “Elim də təhsil”; Baki, 2019. – 400-b.